

Профессор Зафар УМАРОВ

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

БАНК ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ШАРОИТИДА ЯШИЛ МОЛИЯЛАШТИРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Аннотация. Ушбу мақолада яшил молиялаштириш, уни амалга ошириш йўналишлари, тижорат банклари томонидан яшил иқтисодиётга ўтиш шариоитида яшил молиялаштиришни амалга ошириши, жумладан яшил кредит маҳсулотларини тақдим этилиши таҳлил қилинган. Тижорат банкларида яшил молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган илмий ҳулосалар ва амалий таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, яшил молиялаштириш, яшил иқтисодиёт, яшил кредит.

DEVELOPMENT OF GREEN FINANCING IN THE CONDITIONS OF REFORM OF THE BANKING SYSTEM

Abstract. This article analyzes green financing, its implementation directions, implementation of green financing by commercial banks in the context of the transition to a green economy, including the provision of green loan products. Scientific conclusions and practical suggestions aimed at improving green financing in commercial banks are presented.

Keywords: commercial banking, green financing, green economy, green credit.

Кириш

Кейинги йилларда мамлакатимиз миллий иқтисодиётини бошқаришнинг шаффофлиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш, бозор тамойилларини янада кенг жорий этиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу борада тижорат банклари фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки тижорат банклари иқтисодий самарадорликни ошириш ва ривожлантириш учун маъмурий анъаналардан воз кечиб, бозор муносабатлари талаблари асосида кучли тадбиркорга айланиши зарур.

Замонавий шариоитда тижорат банкларининг фаолияти фойда олишга қаратилган бўлиб, улар фойдасининг асосий қисми кредит операциялар

орқали шаклланади. Бугунги кунда тижорат банклари халқаро молия институтлари маблағларини жалб қилишга ва улар ҳисобидан корпоратив миқозларга кредит ажратишга катта эътибор қаратишмоқда. Шу муносабат билан тижорат банклари активлари самарадорлигини оширишда яшил иқтисодиётга ўтиш шароитида корпоратив миқозларга яшил кредитларни ажратиш масаласи катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Банк тизимида яшил молиялаштиришни ривожлантириш, яшил кредитлар бўйича маҳсулотлар қаторини, потенциал миқозларга хизмат кўрсатиш бизнес-жараёнларини, шу жумладан яшил инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни такомиллаштириш мақсадида халқаро ташкилотлар ва турли иқлим фондлари билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилаёбди. «Молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш давомида қатор чоратadbирлар амалга оширилди ва натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилди»[1]. Яшил ташаббусларни амалга ошириш ва молиялаштиришда етарлича молиявий ресурсларнинг мавжудлиги муҳим жиҳат ҳисобланади. Ўзбекистоннинг ички ва халқаро, давлат ва хусусий капитали турмуш даражасини яхшилаш ва иссиқхона газлари чиқиндиларини тез камайтириш мақсадларини, шунингдек, жорий харажатлар ва зарур бўлган яшил молия оқими ўртасидаги тахминий тафовутни молиялаштириш учун ишлатилиши мумкин.

Ички давлат молияси оқимлари, асосан, давлат бюджети ва кўп томонлама ва икки томонлама донорлардан келадиган халқаро давлат яшил молия оқимлари Ўзбекистонни ривожлантириш ва иқлимни молиялаштиришнинг энг муҳим манбалари ҳисобланади, маҳаллий ва халқаро молиялаштириш манбаларини жалб қилиш мамлакатнинг ривожланаётган қимматли қўғозлар бозорига кириш имкониятларини оширади. Бюджет чекловлари туфайли хусусий сектордан яшил молиялаштиришни кўпайтирмасдан ва мавжуд ресурслардан самаралироқ фойдаланмасдан бундай натижаларга эришиш мумкин эмас.

Ички давлат молиясининг ривожланиши ва иқлимни молиялаштиришнинг умумий ҳажмининг салмоқли улушини ташкил этса-да, Ўзбекистон учун ягона молия манбаи эмас. Кўп томонлама ривожланиш банклари ва икки томонлама донорлар томонидан халқаро давлат молиялаштириш оқимлари Ўзбекистонда яшил ривожланиш лойиҳаларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Ўзбекистон яшил

лойиҳаларни ривожлантириш соҳасида имтиёзли молиялаштириш шартлари бўйича ҳам грантлар, ҳам кредитлар олишнинг белгиланган мезонларига жавоб беради.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Яшил иқтисодиётни молиялаштириш, жумладан, тижорат банклари томонидан яшил иқтисодиётга ўтиш шароитида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш, яшил кредитларни тақдим этиш масаласи хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг доимий диққат-эътиборидаги тадқиқот мавзуларидан биридир.

Яшил иқтисодиёт, унга ўтиш зарурати, яшил иқтисодиётни молиялаштириш бўйича кенг қўламли тадқиқот олиб борган маҳаллий олимларимиздан А.В.Вахабов ҳисобланади. Яшил иқтисодиёт деб номланган дарслигида “яшил молиялаштириш”га алоҳида тўхталиб ўтганлар. Жумладан, “яшил молиялаштириш” атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи барча омилларни ҳисобга олувчи ва экологик барқарорликни таъминлашни назарда тутувчи инвестициялаш ва кредитлашнинг барча шакллари қамраб олади [8] деб фикр келтириб ўтган.

“Яшил молия”лар атамаси илк бор таниқли иқтисодчи олим Ричард Сандор томонидан 1992 йилда Нью-Йоркдаги Колумбия университетида ишлаб чиқилган махсус ўқув дастурида қўлланилган [4].

Н.Обломуродов “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш” мавзусида олиб борган тадқиқотида “яшил” инвестицияларга алоҳида урғу берган ва яшил молиялаштиришда “яшил” инвестицияларнинг алоҳида ўрнини қайд этиб ўтган. Сўнгги йилларда “яшил” иқтисодиёт соҳасида тадқиқотларни амалга ошираётган халқаро ташкилотлар, илмий марказлар томонидан ҳам “яшил” инвестициялар тушунчасининг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган [6].

Б.Султонмуродов яшил банк соҳасида олиб борган тадқиқотларида молия-банк тизимини ривожлантиришнинг жаҳон амалиёти хорижий инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш, иссиқхона газлари чиқиндиларини камайтириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш учун яшил молиялаштиришнинг аҳамияти ва аҳамиятини кўрсатади ва умуман олганда, иқтисодиётнинг ўсишига ёрдам беришини [7] қайд этиб ўтади.

Тадқиқот методологияси

Банк тизимини ислоҳ қилиш шароитида яшил молиялаштиришни ривожлантиришга доир мазкур тадқиқотни амалга оширишда илмий абстракция, таҳлил ва синтез, таққослаш, индукция ва дедукция методларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Яшил лойиҳаларни ривожлантириш учун халқаро молиялаш ташкилотларининг сиёсий маслаҳатлари ва техник кўмаги бўйича ислохотларнинг сўнгги босқичидан сўнг Ўзбекистонга халқаро қизиқишнинг кучайиши муносабати билан, айниқса, энергия ресурсларини бошқариш соҳасида Ўзбекистоннинг яшил иқтисодиётга ўтишга эришиш ва “яшил” ривожланиш чора-тадбирларини амалга ошириш энергетика соҳасини ривожлантириш борасидаги сабъ-ҳаракатларига фойда келтиради.

Хорижий сармоядорлар Ўзбекистоннинг “яшил” ўтиш жараёнига, айниқса, қайта тикланадиган энергия манбаларига ўтиш жараёнига қизиқиш ортиб бормокда. «ACWA Power (Саудия Арабистони) дунёдаги энг йирик куруқликдаги шамол лойиҳаси бўлган Қорақалпоғистондаги 1,5 ГВт қувватга эга шамол лойиҳасига 2,4 миллиард АҚШ доллари сармоя киритди ва шундан сўнг бошқа шамол лойиҳалари ва қайта тикланадиган энергия манбаларини ҳам ўз ичига олган ҳолда инвестиция портфелини кенгайтирди[4].

Ўзбекистоннинг яшил иқтисодиётга ўтиши ўтиш жараёнини тезлаштирадиган бир қатор омиллар билан белгиланади. Халқаро молия институтларининг мақсади 2025 йилга келиб яшил молиялаштириш улушини 50 фоизга оширишдир (2019 йилда 46 фоизга етди) ва инвестицияларнинг Париж келишуви мақсадларига мос келишини таъминлаш.

Ҳамкор банклар билан ҳамкорликнинг учта асосий компоненти:

- яшил молиялаштириш (лойиҳаларнинг техник мезонларини аниқлаш ва уларни баҳолаш, яшил технологиялар маркетинги);
- иқлим корпоратив бошқаруви - иқлим хатарлари нуқтаи назаридан молия институтларида тизимли ўзгаришлар;
- молиявий институтлар томонидан иқлим муаммоларига жавоб бериш ва яшил молиялаштириш бўйича ҳаракатлар тўғрисида жамоатчилик маълумотларини ошкор қилиш (1.1.-расм).



1.1-расм. Халқаро молия институтларининг тижорат банклари билан ҳамкорлигини ўрта асосий компоненти¹

“Яшил” инвестицияларнинг институционал муҳити ва уни шакллантиришда мамлакатнинг “яшил” иқтисодиётга ўтиш жараёнида барча манфаатдор томонлар, халқаро молия ташкилотлари (кредиторлар) ва тижорат банклари (қарз олувчилар) ҳисобга олиниши керак.

¹ Муаллиф томонидан тузилди

“XX-XXI асрлар бошлари лойиҳаларнинг мақсадли йўналишини тавсифловчи инвестицияларнинг янги турларининг бозорга кириши билан боғлиқ бўлган молиялаштириш тузилмаси ва тамойилларининг ўзгариши билан ажралиб турди. Инсон фаолиятининг икки соҳаси - молиявий ва экологик - кесишган жойда глобал молиянинг янги экотизими - масъулиятли молиялаштириш тизими (ESG-finance), шу жумладан учта омилга - экологик, ижтимоий ва бошқарув (ESG — Environmental, Social, Governance) асосланган "яшил" молия тизими шаклланмоқда. Яшил молия экотизими БМТнинг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш кун тартибида белгиланган 17 та барқарор ривожланиш мақсадига эришиш учун яратилган. Янги ёндашув доирасида БМТга аъзо давлатлар нафақат иқтисодиётни яшиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни бошлаш мажбуриятини оладилар, балки молиялаштиришнинг янги усуллари кўллаб-қувватлаш ва умуман, молия тизимини “яшиллаштириш”га асосланади [5].

Хорижий амалиётда давлат "яшил" инвестицияларнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича асосий мижоз, кафил ва қўшма инвестор сифатида ишлайди, бу эса инвесторларнинг шахсий манфаатлари ва жамиятнинг жамоавий муаммолари ўртасидаги тафовутни бартараф этишга ёрдам беради.

Давлат техник ва технологик инновацияларга "яшил" инвестицияларни рағбатлантиради ва кўллаб-қувватлайди, шунингдек, "яшил" молиялаштиришда расмий ва норасмий институтларнинг кўп босқичли тизими ва молиявий-кредит таркибий қисмларининг самарали ўзаро таъсири учун шароит яратишда иштирок этади.

Турли мезонларга кўра таснифланган инвестицияларни молиялаштириш манбалари ва воситалари сифатида ўз, қарз ва қарз маблағлари ҳисобланади.

Маълумки, молиялаштириш манбаларини танлашнинг асосий мезонлари қуйидагилардир: маълум бир лойиҳа учун молиявий ресурсларга талаб ва таклифнинг мувофиқлиги, таклифнинг лойиҳани амалга ошириш муддатига мувофиқлиги, жалб қилиш қиймати, тизимли ва тизимсиз хавфлар, молиявий ресурсларнинг самарадорлиги. ўз маблағларини такрор ишлаб чиқариш, молиялаштириш манбаларининг лойиҳага киритилган инвестициялар таркибига мувофиқлигини баҳолаш.

1.1.-жадвал

Халқаро молия институтларининг таклифи (техник ёрдам пакети берилиши мукмин)²

Иқлим корпоратив бошқаруви	Яшил молиялаштириш
Ахборот сессиялари (кенгаш аъзолари ва юқори раҳбарият учун)	Лойиҳаларни тайёрлаш ва техник баҳолашда ёрдам бериш (яшил технология селектори орқали), яшил молияни синовдан ўтказиш учун асосий секторларни аниқлаш
Корпоратив бошқарув ёндашувини даврий диагностика қилиш ва иқлим ва экологик хавфларни аниқлашда ёрдам бериш	Яшил молия ва яшил кредитлаш бўйича ходимларни ўқитиш (электрон ўқитиш)
Аниқланган иқлим ва экологик хавфларни камайтириш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиш	Савдони қўллаб-қувватлаш учун (керак бўлганда) тоза технология етказиб берувчиларини сафарбар қилиш ва улар билан ҳамкорлик қилиш
Иқлим билан боғлиқ бўлган мониторинг, ҳисобот бериш ва ошкор қилиш бўйича йўриқнома	

Халқаро молия институтлари Ўзбекистон ҳукуматига 2021–2023-йилларда капитал бозорини ривожлантириш дастурида белгиланган ислом молияси ва яшил сукукни жорий этиш учун зарур норматив-ҳуқуқий ва бозор шароитларини яратиш бўйича сай-ҳаракатларида техник ёрдам кўрсатмоқда (1.1-жадвал). Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури (БМТТД) ва Ислом тараққиёт банки тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш, шунингдек, Ўзбекистонда “Яшил сукук” миллий асосини ишлаб чиқишга қаратилган техник ёрдам лойиҳасини амалга оширишни бошлади.

2020-2025-йилларда Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида «молия бозорида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш»[1] белгиланган. Бу, ўз навбатида, банкларни бозорга янги инновацион таклифлар ва ёндашувларни ифодаловчи янги яшил маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқишга ундайди.

² Муаллиф томонидан тузилди

Хўжалик субъектлар орасида энг машхур яшил молиявий маҳсулотлар таркибида қайта тикланадиган энергия учун яшил кредитлар, яшил автомобил кредитлари, электр ва иссиқлик энергиясини тежаш ва бошқариш учун кредитлар, сув ресурсларини бошқариш ва чиқиндиларни бошқариш учун кредитлар бўлиши мумкин. Энергия ёки ресурсларни тежаш борасида жиддий ташвиш компания менежерларининг яшил кредит олишга тайёрлигини кўрсатади.

Яшил молиялаштириш бўйича бир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бир хил саноат ёки минтақадаги корхоналарнинг энергия самарадорлиги ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга инвестициялари бошқа корхоналарнинг хабардорлигини ошириши ва уларнинг яшил инвестицияларда иштирок этиш эҳтимолини ошириши мумкин. Одатда корхонанинг атроф-муҳитга сармоя киритиш қарорига бошқа минтақалардаги бир хил саноатдаги бошқа инвесторларга қараганда бир хил минтақадаги яшил инвестицияларга эга бўлган корхоналар кўпроқ таъсир қилади (яқинлик эффекти).

Ҳукумат аралашуви яшил инвестицияларни рағбатлантириш ва жалб қилишда муҳим рол ўйнаши аниқ (энергияни тежайдиган ускуналарга инвестицияларни молиявий рағбатлантириш, масалан, солиқларни камайтириш, субсидиялар, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни янада каттиқроқ тартибга солиш ва қўллаш).

Яхши ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий база ресурслардан янада самарали фойдаланиш ва барқарор ва энергия тежайдиган корхоналарга инвестицияларни кўпайтириш учун рағбатларни оширади.

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилди ва уни амалга ошириш юзасидан миллий миқёсда белгиланадиган ҳисса бўйича — 2030 йилга қадар иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 10 фоизга қисқартириш миқдорий мажбуриятини қабул қилди [2]. Бу яшил молиялаштириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини белгилаб беради.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда яшил молиялаштириш соҳасида тижорат банкларининг алоҳида ўрни бор. Тижорат банклари томонидан яшил

кредитларнинг тақдим этилиши, яшил иқтисодиётга ўтишда муҳим ўрин эгаллайди.

Қайта тикланадиган энергия учун яшил кредитлар, яшил автомобил кредитлари, электр ва иссиқлик энергиясини тежаш ва бошқариш учун кредитлар, сув ресурсларини бошқариш ва чиқиндиларни бошқариш учун кредитларнинг тижорат банклари томонидан тақдим этилиши яшил иқтисодиётга ўтишга, барқарор иқтисодий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ПФ-5992-сон Фармони, 2020 йил 12 май.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 — 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сон Қарори
3. Jivraj, H. (2023), “Will Uzbekistan retain its position as Central Asia’s FDI star?”, Investment Monitor, <https://www.investmentmonitor.ai/features/uzbekistan-central-asia-fdi-star/>
4. Richard L. Sandor. "Good Derivatives: A Story of Financial and Environmental Innovation." John Wiley & Sons. February 2012
5. Кабир Л. С. Социально ответственное инвестирование: тренд или временное явление? // Экономика. Налоги. Право. 2017. № 4. С. 35–41.
6. Обломуратов Н.Н. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш / и.ф.д диссертацияси автореферати, -Т.:2024 77-б.
7. Султонмуродов Б.Б. Развитие зелёного финансирования инвестиционных проектов // “Innovations in Science and Technologies” scientific electronic journal, February, 2024
8. Яшил иқтисодиёт: Дарслик / А.В.Вахабов, Ш.Х.Хажобакиев ва бошқалар.—Тошкент.: “Universitet”, 2020. -262 б.